

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ PhD ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

**БАЎЕТДИНОВ БАХТИЯР ОТЕБАЕВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БУҒДОЙ АГРОБИОЦЕНОЗИ  
ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИНГ ДОМИНАНТ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ  
ЧОРАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.09 – Ұсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Баўетдинов Бахтияр Отебаевич**

Қорақалпоғистон буғдой агробиоценози зараркундаларининг доминант турларига қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш ..... 3

**Баўетдинов Бахтияр Отебаевич**

Разработка мер борьбе с доминантными видами вредителей пшеницы в агробиоценоза Каракалпакстана ..... 21

**Bauetdinov Bakhtiyar Otebaevich**

Creating actions to control dominant types of pests in wheat agrobiocenosis of Karakalpakstan ..... 37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 41

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ PhD ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

**БАЎЕТДИНОВ БАХТИЯР ОТЕБАЕВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БУҒДОЙ АГРОБИОЦЕНОЗИ  
ЗАРАРКУНАНДАЛАРИНИНГ ДОМИНАНТ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ  
ЧОРАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Qx531 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг(www.andqxi.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Торениязов Елмурат Шериниязович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юсупова Махпуза Нўмановна**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Мейлиев Акмал Хушвақтович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, катта илмий ходим

**Ётақчи ташкилот:**

**Шоличилик илмий-тадқиқот институти.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг « 22 » 02 2022 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 170600, Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйган ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй. Тел.:(+99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail:agai info@edu.uz. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 16 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси 1-уй. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99874) 373-10-54.

Диссертация автореферати 2022 йил « 10 » 02 куни тарқатилди.

(2022 йил « 10 » 02 даги 16 рақамли реестр баённомаси).



**А.Исатов,**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

**С.О.Абдурахмонов,**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий қотиби, к.х.ф.д., к.и.х.

**К.С.Комилов,**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.н., доцент.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё мамлакатларининг 100 дан ортигида 200 млн. гектардан зиёд майдонга буғдой экилиб, сўнги йилда 765,0 млн. тонна дон ҳосили олинган. Бугунги кундаги етиштирилаётган буғдойнинг 75% ни озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида, 15% и чорва учун, 10% и эса уруғликка ишлатилади. Австралия, Канада, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Россия, Туркия, Украина ва Америка Қўшма Штатлари асосий буғдой етиштирувчи мамлакатлар ҳисобланади<sup>1</sup>. Мазкур мамлакатлар ҳиссасига дунё бўйича етиштирилаётган буғдойнинг 80% и тўғри келади. Натижада барча давлатлар аҳолисини буғдой маҳсулотлари билан тўла таъминлаш учун ҳудуд шароитига мос навларни, агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш ва биотопда пайдо бўладиган зараркунандаларига қарши мақбул муддатда курашиш тадбирларини қўллаш туфайли зарур бўладиган буғдой маҳсулотларини етказиб бериш долзарб ҳисобланади.

Жаҳон ғаллачилик соҳасини ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт кечиришида энг зарур бўлган дон ва дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун нобуд бўлаётган буғдой ҳосилини ҳимоя қилиш мақсадида кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, асосий зараркунандаларига қарши кураш чораларининг такомиллаштирилган турини қўллаш туфайли ҳосилнинг 20-30% ни сақлаб қоладиган усуллар тадбиқ қилинган. Натижада мазкур тадбирларни буғдойга зарар етказувчи зараркунандаларнинг тарқалиши, ривожланиш биоэкологияси, келтирадиган зарари ва ташқи муҳит омиллар таъсирини ҳисобга олиб такомиллаштирилган кураш усулларини жорий этиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш муҳим стратегик тадбирга айланди.

Ўзбекистон Республикаси шароитида ҳам ғаллачиликни ривожлантириш соҳасида алоҳида аҳамиятга эга тадбирлар олиб борилмоқда. Натижада сўнги 10 йил давомида ҳар бир гектар майдондан олинаётган буғдой ҳосили 30% дан 55% га кўтарилиб, 2017 йилда 1329400 гектар майдондан 8,377 млн тонна дон ҳосили етиштирилган бўлса, 2020 йилда 1077569 минг гектардан олинган ҳосил 6,408 млн тоннани ташкил қилиб, олинаётган ҳосилнинг камайишида агротехник тадбирлар билан биргаликда буғдой биотопида ривожланаётган зараркунанда турларининг кўплаб тарқалиши ва зарар етказиши асосий омил эканлиги маълум бўлди<sup>2</sup>. Мазкур муаммони ҳал этиш учун буғдой экилган далаларда кенг тарқалиб ривожланаётган зараркунандаларнинг ривожланиш биоэкологияси, келтирадиган зарари ўрганилган ҳолда уйғунлашган кураш тадбирларини қўллашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш катта амалий аҳамиятга эга ва тез ечимини кутиб турган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

<sup>1</sup> <http://www.fao.org>

<sup>2</sup> <http://www.stat.uz>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23-октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»<sup>3</sup> фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24-сентябрдаги 806-сонли «Бошоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>4</sup>, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15-июндаги 378-сон «2020 йил ҳосили учун экилган бошоқли дон ҳосилини ўз вақтида ва сифатли ўриб-йиғиб олишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>5</sup> қарорлари ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кўпгина давлатларда буғдой асосий экин туридир ва кўплаб зараркунандалардан ҳосилни ҳимоя қилиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотлардан А.Barbulescu, Н.Бондаренко, Р.Cabele, S.Cohen, Г.Осмоловский, Н.Doel, Г.Доронина А.Crossman, M.Les, S.Shires, A.Vulle, Ch.Ward, В.Стацкий, Н.Witt, Д.Пайкин, М.Попова, G.Beese, G.Willis С.Трибель буғдой зараркунандалари биоэкологияси, динамикаси ва зарар келтириши бўйича тадқиқот натижалари кўрсатилиб, қарши кураш тадбирлари тавсия этилган. Республикамиз шароитида буғдой зараркунандаларини ўрганишда А.Эгамбердиев, З.Пўлатов, А.Уразбоев, И.Эрнашев, Ш.Хўжаев, М.Юсупова каби олимлар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо, тадқиқотлар натижалари Қорақалпоғистон шароитида жорий этилганда кутилган натижа бермаётганлиги кузатилмоқда. Мавжуд муаммони бартараф этиш учун ҳудуд агроиқлимидаги айрим ташқи муҳитдан бўладиган ўзгачаликларни ҳамда абиотик, биотик омиллар элементларини ҳисобга олган илмий ишлар асосида тадбирларни ташкиллаштириш талаб этилади. Мазкур шароит агробиоценози буғдойзорларида содир бўладиган ўзгаришлар, далада ривожланадиган зараркунанда турларининг бир-бирига ҳиссаси ва ижобий, салбий таъсирини олдиндан башорат қилган ҳолда ўтказилган кураш тадбирлари натижа бериши исботланди. Шу боис, мазкур агробиоценоздаги мавжуд абиотик, биотик омилларнинг зараркунандалар ривожигаги ҳиссасини аниқ билган ҳолда ва бугунги кунда юз бераётган айрим муаммоларни илмий асосда ҳал

<sup>3</sup> <https://lex.uz/pdfs/4567334>

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/4529920>

<sup>5</sup> <https://lex.uz/pdfs/4856329>

етишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланиши исботланди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали ва Қорақалпоғистон шароитида олиб борилган бошқа илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилди. Тадқиқот №КХА-8-003-2015 «Қорақалпоғистон Республикасида юқори сифатли нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида, совуққа чидамли кузги буғдой навларини синовдан ўтказиш» (2015-2017 йй.) ва №КХИ-5-036-2016 «Қорақалпоғистон шароитида сабзаёт-полиз экинларида тунламлар, шира турларига қарши такомиллаштирилган биологик услубни қўллашни жорий этиш» деб номланган амалий ва инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган (2016-2017 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** Қорақалпоғистон агробиоценозида экилаётган кузги буғдой навларини, зараркунанда турларини, ўсимликларнинг ўсиб ривожланишига таъсири ва далада тўпланишидаги асосий сабабини аниқлаш. Биотопада шаклланадиган абиотик ва биотик омилларнинг зараркунандалар ривожланиш динамикасига, келтирадиган зарарига, биоэкологик ривожланиш хусусиятларига боғлиқлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон шимолий туманлари агробиоценозида экилаётган кузги буғдойнинг (Яксарт, Аср, Краснодарская-99, Омад) навларини жойлаштириш, экиш муддатлари, қўлланиладиган агротехник тадбирларни белгилаш;

буғдойзорларда ривожланадиган зараркунанда турларини ҳамда янгидан пайдо бўлаётган зараркунанда авлодларига қулай бўлган шароитларни аниқлаш;

кузги буғдой биотопида тарқалган ҳашаротлар турларига, ривожланиш биоэкологиясига таъсир этадиган абиотик, биотик омилларнинг ижобий ва салбий таъсирини ўрганиш;

буғдойзорларда учрайдиган зараркунандаларнинг доминант турларнинг биоэкологик хусусиятларини, ривожланиш динамикаси ҳамда келтирадиган зарарини аниқлаш;

далада тарқалган зараркунандаларнинг табиий энтомофаглар турларининг кўпайиши учун қулай бўлган омилларни аниқлаш ва самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш;

буғдой зараркунандаларига қарши агротехник ва биологик кураш тадбирларини такомиллаштириш, энтомофагларни тарқатиш усулларини ишлаб чиқиш;

атроф-муҳит учун кам захарли ҳисобланган кимёвий препаратларни қўллашнинг мақбул вақти ва меъёрини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

буғдойни асосий заракунандалардан ҳимоя қилиш тадбирларини жорий этилгандаги биологик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаб, ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қорақалпоғистон агробиоценозида экилаётган кузги буғдой навлари, далада пайдо бўлиб зарар келтирадиган зараркунандалар ва уларга қарши энтомофаглар турлари, қарши қўлланиладиган биоагентлар, кимёвий препаратлар олинган.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, буғдойзорларда пайдо бўлиб, зарар келтирадиган зараркунандаларнинг ривожланиш динамикасини ҳисобга олиш, қарши кураш тадбирларини олиб бориш, шунингдек, биотопдаги энтомофагларга қулай шароит яратилиб, биологический лабораторияда кўпайтирилган олтинкўзни далага тарқатиш, зараркунандаларга қарши атроф-муҳитга кам заҳарли кимёвий препаратларни қўллаш, зараркунанда сонини иқтисодий зарар мезонидан пасда ушлаб туриш агротехнологиясини ишлаб чиқиш, иқтисодий жиҳатдан самарали кураш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қорақалпоғистон шароитида экилаётган кузги буғдой навлари, қўлланиладиган агротехник тадбирлар З.Зиядуллаев, С.Шамшетов ва б., У.Исмайлов, О.Нагметов ва б., Бекбанов, Д.Утамбетов, кузги буғдой биотопларида учрайдиган ҳашаротлар турларини ўрганиш қишлоқ хўжалик энтомологияси, агротоксикология ва ўсимликларни ҳимоя қилишда ишлатиладиган махсус усул, услублардан, далада учрайдиган турларини аниқлашда Б.П.Адашкевич, Ш.Т.Хўжаев, фазалари бўйича наъмуналар йиғиш ва турларини белгилаш учун В.Б.Голуб ва бошқаларнинг услубий кўрсатмаларидан, турларнинг биоэкологик ривожланиш хусусиятлари ва динамикасини, келтирадиган зарари ва зарарлиликнинг иқтисодий мезонини ўрганиш В.И.Танский, Ш.Т.Хўжаев, А.Н.Кожанчиков, Б.В.Добровольский, Е.А.Дунаев, К.К.Фасулати, Поляков ҳамда В.Ф.Палий услубларидан, кузги буғдой даласида кўпроқ учраб зарар келтирадиган турларига қарши агротехник, биологик ва кимёвий кураш тадқиқотларини олиб боришда Х.Мирзалиева, Х.Х.Кимсанбаев, Ш.Т.Хўжаев услубий кўрсатмалари, зараркунандага қарши қўлланилган кураш тадбирларининг биологик самарадорлиги В.Аббот формуласи ва К.А.Гар усули ёрдамида, иқтисодий самарадорлик эса А.Ф. Ченкин услублари асосида, тажриба натижалари дисперсион таҳлил қилиниб, математик-статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов услуги, вариантлар орасидаги энг кичик фарқни (ЭКФ) аниқлаш учун ЎХҚИТИ нинг «Мониторинг ва ахборот технологияларни қўллаш бўлимида» яратилган компьютер дастурида «ўртача хатоликни» ҳисобга олувчи касрий услубномалари бўйича олиб борилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистон агроиқлими хусусиятларига хос кузги буғдойнинг Кроснадарская-99, Омад, Аср ва Яксарт навларининг ўсиб-



ривожланишида хашарот турлари салбий таъсир этувчи, омил эканлиги аниқланган;

биотопда пайдо бўладиган зараркунандалардан: буғдой трипси (*Haplothrips tritici* Kurd), буғдой шираси (*Schizaphis graminum* Rond) ва зарарли хасва (*Eurygaster integriceps* Put) асосий тур ҳисобида биоценоз таркибига кириб, ривожланиш биоэкологияси ташқи муҳит омиллари асосида вужудга келиши аниқланган;

тарқалган зараркунандаларнинг ривожланиш динамикаси, зарар келтириш мезони ҳисобланиб: буғдой трипси 1 ўсимликда 2,7-27,3 дона кўпайганда бир туп буғдойда 0,21 гр ҳосилни (6,7 ц/га); буғдой шираси 1 та ўсимликда 9,6 дона ривожланганда 0,40 гр (10,1 ц/га); зарарли хасва сони 10 м<sup>2</sup> майдонда 1-10 дона ривожланганда 1 м<sup>2</sup> бошоқлар сони 46,2 донага, бир бошоқдаги дон вазни 0,14 гр, 1000 дона доннинг вазни 11,1 гр (10,9 ц/га) камайиши исботланган;

кузги буғдой биотопидаги зараркунандалар сонини бошқариш учун агротехник тадбирларни тўғри ташкиллаштириб, биологик кураш усуллари қўлланилганда гектаридан 13,7-18,0 центнер ҳосил ҳимоя қилинади ва бу тадбирнинг иқтисодий самарадорлиги 1678,0 сўм/га ташкил қилиши аниқланган;

истиқболли инсектицидларни кузги буғдойнинг асосий зараркунандаларига қарши қўлланилганда хўжалик-иқтисодий самарадорлиги 526,5-1341,5 сўмни ташкил қилиб, ишлатилган 1 сўм 1,65 сўмга қопланиб, рентабеллик даражаси 74-165 % бўлиши исботланган.

**Тадқиқотларнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Буғдой даласидаги ўсимликларнинг гуллаш фазасида пайдо бўлган ширалар сони 9,6 донадан ошган далаларда биологик лабораторияда кўпайтирилган олтинкўз энтомофаги гектарига 2000 дона ҳисобида тарқатилиб, зараркунанда сонини 75-80% камайтиради. Буғдой даласида пайдо бўлган зараркунандалардан зарарли хасва сони 10 м<sup>2</sup> майдонда 1-10 дона бўлганда кимёвий препаратлардан Багира, 20% с.э.к., Эсфен алфа, 5% эм.к., Циперфос, 55% эм.к., Киллер экстра, 10% эм.к. препаратларини қўллаб биологик самарадорлигини 95-97 % таъминланади. Буғдой зараркунандаларига қарши қўлланилган биологик кураш тадбирлари туфайли назоратга нисбатан 18 ц ҳосил сақланиб, қўлланилган тадбирнинг иқтисодий самарадорлиги гектаридан 526,5-1678,0 минг сўмга етказилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кузги буғдой биотопининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда олиб борилган тадқиқотларнинг замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланганлиги билан исботланади. Жумладан, тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги ва ҳар йили Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали томонидан махсус ташкил этилган комиссияда ижобий баҳоланганлиги, олинган маълумотларни қайта ишлашда статистиканинг тан олинган услубларидан

фойдаланиб ўрганилганлиги, исботланган назарий натижаларнинг тажриба маълумотларига мос келиши, хулосаларнинг илмий асосланганлиги ҳамда натижалар таққосланганлиги ва улар амалиётга жорий этилганлиги тадқиқот аҳамиятининг ишончлилиги билан тўла ифодаланган. Тадқиқот натижалари Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари илмий нашрларда чоп қилинганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон шароитида экилаётган кузги буғдой далаларида ҳашарот турларининг, асосан зараркунандалардан: кузги тунлам (*Agrotis segetum* Den. et Schiff), ундов тунлами (*Agrotis exclmationi* L.), ўрик-қамиш шираси (*Hyalopterus pruni* Geoffr), қандала (*Lygus pratensis* L.) ва ғалла поя бурғачаси (*Chaetocnema hortensis* Geoffr) турларининг тарқалишига ўсимлик турлари, далада мавжуд бўлган микроиқлим ҳамда абиотик ва биотик омилларнинг таъсири ва аҳамияти белгилаб берилган. Зараркунандаларнинг индивидуал ривожига, мавсумий динамикасига салбий ёки ижобий таъсир этадиган омилларнинг илмий аҳамияти исботланган. Қарши кураш тадбирларини олиб бориш зарурати бўладиган зараркунандаларнинг иқтисодий зарари миқдор мезонларини аниқлашга муваффақ бўлинган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кузги буғдой даласидаги мавжуд биоценоз омилларини ҳисобга олиб зараркунандаларга қарши агротехник, биологик ва кимёвий усулларни қўллаш вақти, муддати, меъёри белгилаб берилган. Жумладан, асосий зараркунандалари ҳисобланган буғдой трипси сони 165,2 донага, буғдой шираси 216,7 донага, зарарли хасва 35,6 донага кўпайган бир пайтда энтомофаглларнинг йиртқич турлари ҳисобланган олтинкўз, хон қизи ва сирфид пашшаси мос равишда 18,6; 8,1; 2,8 донага кўпайиб озуқа занжирини ҳосил қилади, доминант турларнинг сони иқтисодий зарар миқдор мезонидан кўтарилганда эса кимёвий препаратларни ишлатиш регламенти тавсия этилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Қорақалпоғистон агробиоценози кузги буғдой биотопида зараркунандаларга қарши кураш тадбирларини олиб бориш мақсадида ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

Далада эрта баҳордан пайдо бўлиб зарар келтирадиган шираларга қарши биологикаларда кўпайтирилган олтинкўз энтомофаги Чимбой, Кегейли ва Нукус тумани фермер хўжаликларида 578 гектар майдонга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси «Агрокимёхимоя» АЖ ташкилоти 2021 йил 15-февралдаги 07/145-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу майдонларда энтомофаглар тарқатилганда, зараркунандаларнинг сонини тўла бошқариш имкони бўлиши исботланиб, зараркунанда сони 98,9 % камайган ва

гектаридан 14,7 центнер ҳосил сақлаб қолиниб, иқтисодий самарадорлик гектаридан 1678,0 минг сўмни ташкил қилди.

Биотопда эрта баҳордан ҳосил йиғиб олингунга қадар тарқалиб зарар келтирадиган буғдой трипси, шира ва хасва сони зарарлиликнинг иқтисодий сонидан кўпайган далаларда республика шимолий туманлари Чимбой, Кегейли ва Нукус тумани фермер хўжаликларида 578 гектар кузги буғдой даласида Багира 20%, Атилла 5%, Атилла супер 10%, Киллер нео 10%, Киллер экстра 10%, Далатэ 5%, Эсфен алфа 5%, Циперфос 55%, Энтотетрин 25%, Агрофос Д 55% ли препаратлари қўлланилганда ОВХ-28 трактор пуркагичи ёки моторли қўл осма пуркагичлари ёрдамида ишлатиш самарали эканлиги исботланди (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 15-сентябрдаги 02/013-2525-сонли маълумот-номаси). Натижада зараркунандалар 98,9 % йўқ этилиши ҳисобидан ҳар бир гектарига 14,7 центнердан ҳосил сақлаб қолишга эришилган. Буғдой даласида мақбул шароитда қўлланилган кимёвий препаратларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳар гектардан 526,5-1341,5 минг сўмни ташкил қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотлар ўтказилган йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш Маркази бош директорининг 2018 йил 4 июндаги 92-сонли бўйриғига асосан Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида ҳамда Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг 2019 йил 1 июндаги 19-сон бўйриғига асосан Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали мутахассисларидан иборат махсус апробация комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиб, ҳисоботлар Тош ДАУ Нукус филиалининг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 6 таси республика, 1 таси хорижий журналларда ва 2 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 6 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот

натижаларининг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кузги буғдой биоценозидаги ҳашаротлар турлари, зараркунандаларга қарши кураш тадбирлари истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида, кузги буғдой биотопада ривожланадиган ҳашаротлар, асосий тур ҳисобида зараркунандаларнинг ривожланиши, қарши кураш тадбирларини олиб бориш бўйича тадқиқотлар натижалари чоп этилган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, интернет маълумотлари ифода этилган. Натижаларнинг назарий ва амалий хулосалари таҳлил қилиниб, диссертация ишининг илмий натижалари белгилаб олинган, мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб назарий ва амалий янгиликлари бўйича тадқиқотлар йўналиши белгиланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотлар ўтказилган жойларнинг тавсифи, материаллар ва қўлланилган услублар»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти сифатида танланган кузги буғдойнинг Кроснадарская-99, Омад, Аср ва Яксарт навлари Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Кегейли ва Чимбой туманлари фермер хўжаликлари буғдойзорларида экилган биотопларда олиб борилган тадқиқотлар натижалари кўрсатилган.

Биотопда учрайдиган зараркунанда ва энтомофаглар турлари, ривожланиш биоэкологияси, динамикаси Б.П.Адешкеевич, Ш.Т.Хўжаев услублари, номаълум турларини аниқлаш учун наъмуналар йиғиб, 70 % ли спирт ва 4% глицерин аралашмасидан тайёрланган фиксаторларда сақлаш В.Б.Голуб ва б., морфологик белгиларига қараб турларини аниқлаш Н.В.Бондаренко ва И.Г.Кирияк услублари ёрдамида олиб борилди.

Зараркунандалар зарар мезони В.И.Танский, қарши кураш тадбирларининг биологик самарадорлигини А.К.Гар, Ш.Т.Хўжаев, ва.б., биомахсулотларни кўпайтириш ва далага тарқатиш Х.Р.Кимсанбаев, Х.Х.Мирзалиева, иқтисодий самарадорлиги А.Ф.Ченкин, олинган натижалар математик-статистик таҳлили Фасулати, Б.А.Доспехов услубларидан фойдаланилиб бажарилди. Олинган маълумотлар математик-статистик таҳлили ва вариантлар орасидаги энг кичик фарқ (ЭКФ) Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг «Мониторинг ва ахборот технологияларини қўллаш бўлими»да яратилган компьютер дастури асосида аниқланди.

Диссертациянинг тадқиқот натижалари таҳлили **«Кузги буғдой биоценозидаги биологик организмлар турлари шаклланишидаги ўсимликнинг аҳамияти»** деб номланган учинчи бобидан бошланиб, **«Қорақалпоғистон агробιοценозида экилаётган кузги буғдой навлари, қўлланиладиган агротехник тадбирлар»** мавзусидаги учинчи бобининг биринчи қисмида тадқиқот объекти ҳисобланган кузги буғдой турлари ва Кроснадарская-99, Омад, Аср ва Яксарт навларининг ҳудуд туманлар бўйича

жойлашиши, қўлланиладиган агротехник натижалари кўрсатилган. Натижаларнинг асосий хулосаларида ҳудуд агробиоценози буғдой биотопларида сентябрда экилган уруғлардан 10-15 кун давомида кўчатлар чиқиб, қишга тайёрлиги етарли даражада бўлиши ва мақбул муддат 10 октябргача эканлиги кўрсатилган. Тавсия этилган муддатдан сўнг экилган навларда 4-5 барг пайдо бўлишига қарамадан қишдаги совуқдан нобуд бўлаётгани, мазкур далалар ҳар йили 30-40 % ташкил қилиши аниқланган. Сабаби қиш ойларида ҳароратнинг максимал даражаси минус 15,8 °С гача пасайиб кетиши, март ойида ўртача кунлик ҳароратнинг 8,5 °С бўлиши фазалар ривожини орқада қолдиришидан ташқари апрель ва май ойларида ҳавонинг нисбий намлигининг 40-50 % паст бўлиши, ҳаво ҳарорати 27,5-30,4 °С кўтарилганда нисбий намликнинг 15-20 % тушиб кетиши, ўсимликнинг тезроқ ҳосил тўплашига мажбурлайдиган асосий омиллар эканлиги ҳисобланган.

Кузги буғдой биотопида куз ойларида бегона ўтларнинг пайдо бўлиши, ёппасига ривожланиб, кўп йиллар мобайнида баҳорда тарқалишининг давом этиши ушбу жойларга зараркунандаларнинг асосий турлари тўпланиб ривожланиш давом этиб, мақбул шароитда зараркунандалардан кемирувчи тунламлар ўрик-қамиш шираси, қандалалар қишлоғга кетиб ва тўла қишлаб чиқиши исботланган. Сабаби далада пайдо бўлган бегона ўтлардан қўйпечак, шўралар турлари ва қамиш навлари келтирилган зараркунандаларининг асосий озукаси ҳисобланиб, сони кўпайган турлари буғдой ниҳоллари билан озикланиб, баҳорда эрта чиқадиган организмлари билан озикланишни давом эттириб ривожланишига қулай шароит яратадиган асосий биотик омили сифатида турларининг ривожланиш биоэкологияси ва динамикаси учун мақбул муҳит эканлиги исботланган.

Диссертациянинг «**Кузги буғдой биотопларида ҳашаротлар турлари, мавжуд абиотик, биотик омиллар**» мавзусидаги учинчи бобининг иккинчи қисмида кузги буғдой биотопида тарқалиб ўсимликлар билан озикланадиган ҳашаротлар тур таркибини аниқлаш ва доминант турларини ўрганиш бўйича олиб борилган кузатув натижалари келтирилган.

Буғдойзорларда кузги ва ундов тунламлар, ўрик-қамиш шираси, қандала ва ғалла поя бурғачаси куз ойларида бошлаб пайдо бўлиб, қишлаб чиқиши апрель ойи охирида ихтисослашган турларидан буғдой трипси, буғдой шираси, зарарли хасва ва энтомофаглардан хонқизи, олтинкўз, сирфид пашшаси турлари ҳисобга олинган. Мазкур турлар ривожидида асосий абиотик омил ҳаво ҳарорати ҳисобланиб, сентябрда максимал даражаси 33,9-40,2 °С, минимал даражаси -1,8+4,7 °С ўзгариб, ноябрь ойида -6,2-16,4 °С пасайиши, декабрда 11,4-17,5 °С, январь ва февраль ойларида ҳавонинг -9,6-21,5 °С пасайиши биотопдаги ҳашаротлар турлари билан бирга қишлаётган буғдойга салбий таъсир этиши исботланди.


Мазкур агроиклим шароитида апрель ойидаги ҳароратнинг 30,8-33,5 °С кўтарилиши, май ойида 38,2-42,4 °С, минимал даражасининг 7,0-12,1 °С, ўртача ҳароратнинг 28,1-29,7 °С бўлиши буғдой фазалари ва далада ривожланаётган ҳашаротлар турларининг фаол даражада ривожланишига шароит туғдиради. Июнь ойидаги ҳаво ҳарорати кўтарилиши максимал даражасининг 41,4-42,2 °С га етиши кузги буғдойнинг тўла пишиши ва мослашган зараркунандалари ривожини яқунлаб, ёзги тиним ҳолига кетишидаги асосий омил эканлиги исботланган. Ҳаво намлигининг ўртача даражаси март ойида 45-68% гача кузатилганлигига қарамасдан минимал даражаси 7-21% тушиб кетиши, май-июн ойларида 9-19% пасайиши биологик организмлар учун салбий таъсир этадиган асосий омил сифатида ажратиб олинган.

Диссертациянинг «**Кузги буғдой навларида ривожланадиган зараркунандалар ривожланиш биоэкологияси**» деб номланган тўртинчи бобида кузги буғдойнинг Кроснадарская-99, Омад, Аср ва Яксарт навларида асосий зараркунандалари ҳисобланган буғдой трипси ва зарарли хасва ривожланиш биоэкологиясига ташқи муҳит омилларининг ижобий ва салбий таъсир этиш мезонларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Натижада Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманлари шароитида личинка фазасида қишлаб чиққан буғдой трипси етук зотининг май ойининг ҳаво ҳарорати 21,1-23,7 °С бўлган биринчи ва иккинчи ўн кунлигида оналик зоти 24-25-дона тухум қўйиб, 90-95% (23-24 дона) қўйилган тухумларидан 6-9 кунда личинкалари чиқиб ривожланишини давом эттириши қайд этилди. Зараркунанда май ойи давомида битта ўсимликда 1,0-2,6 дона етук зоти, 1,7-10,9 дона тухум ва 6,7-28,9 дона личинкалари ривожланганлиги ҳисобга олинди.

Зарарли хасва ҳаво ҳарорати ўртача 14,2-15,6 °С бўлган апрель ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунликларида қишлоvdан чиқиб, буғдой даласига учиб келган етук зоти май ойида 16,3 кун яшаб ўртача 60,2 дона тухум қўйганлиги, биринчи тухумлардан эса 7-9 кун ўтиши билан личинкалари чиқиб, июнь ойи охиригача 34,5 дона етук зоти пайдо бўлганлиги ҳисобга олинди. Зараркунанда кўплаб далаларнинг 1 м<sup>2</sup> 1,0-2,1 дона оналик зоти ривожланиш даврида 10,5-12,2 дона тухум қўйиб, 6,9-9,5 дона личинка ривожланиб, июнь ойининг учинчи ўн кунлигида қишлоvга кетадиган етук зоти сони 2,5 донага етиши исботланди.

Мазкур турларнинг ривожланиш динамикаси ўзига хос ташқи муҳит омиллари таъсиридан вужудга келиши исботланди. Сабаби зараркунандаларнинг қишлоvdан чиқиш даври апрель ойининг учинчи ўн кунлигидан бошланиб, май ойининг охиригача фаол даражада бўлади. Натижада назоратда бўлган 100 та ўсимликда буғдой трипси сони 165,2 донага, буғдой шираси 216,7 донага, зарарли хасва 35,6 донага кўпайганлиги ҳисобга олинди. (1-расм)




**Изоҳ:** Буғдойзорларда учраган зараркундаларнинг сони, дона

**1-расм. Кузги буғдой даласида учрайдиган зараркундаларнинг ривожланиш динамикаси**

Кузги буғдой биотопида тарқалган зараркундалар билан бирга энтомофаглар турларининг ривожланиш шароитлари муҳим ҳисобланади. Сабаби буғдой даласида олтинкўз 18,6 дона, хонқизи 8,1 дона, сирфид пашшаси 2,8 донага кўпайиб, уларни зараркундалар сонини камайтиришдаги аҳамияти ҳисобга олинди. (2-расм)

Зараркундалар ривож, биоэкологияси ва динамикасини ўрганишда келтирадиган зарар мезонида катта эканлиги аниқланди. Сабаби, буғдой трипси вегетация даврида 1 ўсимликда 2,7-27,3 дона кўпайганда бир туп буғдойда 0,21 гр ҳосилни пасайтириши, гектаридан 6,7 центнергача ҳосилнинг камайишига олиб келиши исботланди. Бундан ташқари кузги буғдой даласидаги ширалар сони 1 та ўсимликда 9,6 дона ривожланганда, бир тупдан 0,40 гр камайиб, ҳосил 10,1 центнерга, зарарли хасва сони 10 м<sup>2</sup> да 1-10 донадан ривожланганда 1 м<sup>2</sup> бошоқлар сони 46,2 донага, бир бошоқдаги дон вазни 0,14 гр, 1000 дона доннинг оғирлиги 11,1 гр камайиши ва ҳосилдорлик гектаридан 10,9 центнер нобуд бўлиши исботланди. Зарарли хасванинг иқтисодий зарар келтириш миқдор мезонини 10 м<sup>2</sup> майдонда 2-3 дона ҳисобида белгилаш тавсия этилди.

Диссертациянинг «**Кузги буғдой зараркундаларига қарши кураш тадбирларини такомиллаштириш**» деб номланган бешинчи бобида Қорақалпоғистон шароитида экилаётган кузги буғдой даласида пайдо бўлиб зарар келтирадиган зараркундаларига қарши олиб бориладиган агротехник, биологик ва кимёвий тадбирларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.



**Изоҳ:** Табиий шароитда кўпаяётган энтомофаглар сони, дона (100 ўсимликда)  
**2-расм. Кузги буғдой даласида учрайдиган энтомофагларнинг ривожланиш динамикаси**

Натижада кузги буғдой даласида зараркундаларига карши агротехник тадбирларни мақбул шароитда қўлланилганда, сонини камайтириб боришдан ташқари, ўсимлик ўсиб-ривожланиш, ҳосил тўплашига ижобий таъсир этиб келтириладиган зарари бартараф этилиши исботланган. Мазкур усул учун кўшимча маблағ сарфламасдан кузги буғдой даласидаги зараркундалари сони бошқарилиши тадқиқотлар натижасида исботланган.

Кузги буғдой биотопида тарқалган сирфит пашшаси, олтинкўз ва хонқизи буғдойнинг зараркундалари сонини камайтиришдаги асосий биологик омил ҳисобланиб, биолобораторияда кўпайтирилган олтинкўзнинг етук зоти 500-2000 донагача тухуми гектарига 500-3000 дона ҳисобида тарқатилганда буғдой ширасининг 63,3-70,3 % нобуд этиб, энтомофагларнинг табиий популяция зичлигини ошириб бориши ҳисобидан зараркундалар сонини камайтириб борганлиги исботланди.

Кузги буғдойнинг асосий зараркундалари ҳисобланган буғдой трипси, буғдой шираси, зарарли хасва сони зарар келтириш мезонидан кўтарилган далаларда кимёвий ҳимоя қилиш учун қўлланилган “Багира”, 20 %, с.э.к. (-0,1 л/га), буғдой трипсига қўлланилганда 33,2 ц/га, буғдой ширасида 45,9 ц/га, зарарли хасвада 38,5 ц/га, ўртача 39,2 ц/га, назоратдан фарқи 14,7 ц/га ҳосил сақлаб қолинди. “Эсфен алфа”, 5 % эм.к. (-0,3 л/га), буғдой трипсига қўлланилганда 34,1 ц/га, буғдой ширасида 34,9 ц/га, зарарли хасвада 37,5 ц/га, ўртача 35,5 ц/га, назоратдан фарқи 11,0 ц/га ҳосил сақлаб қолинди. “Циперфос” 55 % эм.к. (-0,5 л/га), буғдой трипсига қўлланилганда 35,3 ц/га, буғдой ширасида 37,4 ц/га, зарарли хасвада 36,2 ц/га, ўртача 36,3 ц/га, назоратдан фарқи 11,8 ц/га ҳосил сақлаб қолинди. “Киллер экстра”, 10 % эм.к. (-0,1 л/га) буғдой трипсига қўлланилганда 33,2 ц/га, буғдой ширасида 38,2 ц/га, зарарли хасвада 34,2 ц/га, ўртача 35,2 ц/га, назоратдан



фарқи 10,7 ц/га ҳосил сақлаб қолинди. Кимёвий препаратлар гектарига 200-300 литр ишчи аралашма ёрдамида ишлатилганда биологик самарадорлиги 97,2-98,9 % ташкил қилганлиги аниқланди. Препаратлардан Далатэ, Энтометрин препаратлари билан ишлов берилган буғдойзорда сўнгги 3-куни 73,1-83,1 % ва 14-кунда 86,1-95,4 % зараркундалар йўқ бўлгани ҳисобга олинди. (1-жадвал)

**1-жадвал**

**Кузги буғдой зараркундаларига қарши ишлатилган  
инсектицидларнинг ҳўжалик самарадорлиги  
Кроснадарская-99, Омад, Аср ва Яксарт навлари, 2018-2020 йй.**

Т/р	Вариантлар	Сарф меъёри, л/га	Биологик самара- дорлик, максимал даража, %	Кимёвий препаратлар ишлатилган зараркундалар			Ҳосилдорлик, ц/га	
				Буғдой трипсига қарши ишлатил- ганда, ц/га	Буғдой ширасига қарши ишлатил- ганда, ц/га	Зарарли хасвага қарши ишлатил- ганда, ц/га	Ўртача	Назорат- дан фарқи, ±
1	Багира, 20% с.э.к.	0,07	95,1	32,5	44,9	36,3	37,9	13,4
2	Багира, 20%, с.э.к.	0,1	98,9	33,2	45,9	38,5	39,2	14,7
3	Атилла, 5% эм.к.	0,15	96,2	35,1	36,1	33,2	34,8	10,3
4	Атилла супер, 10% эм.к.	0,1	94,4	36,2	29,3	35,3	33,6	9,1
5	Киллер нео, 10% эм.к.	0,07	93,2	32,3	36,2	30,2	32,9	8,4
6	Киллер экстра, 10% эм.к.	0,1	95,4	33,2	38,2	34,2	35,2	10,7
7	Далатэ, 5% эм.к.	0,2	86,1	32,8	27,1	31,6	30,5	6,0
8	Эсфен алфа, 5% эм.к.	0,3	97,2	34,1	34,9	37,5	35,5	11,0
9	Циперфос, 55% эм.к.	0,5	98,2	35,3	37,4	36,2	36,3	11,8
10	Энтометрин, 25% эм.к.	0,2	95,4	32,6	37,9	33,9	34,8	10,3
11	Агрофос-Д, 55% эм.к. (андоза)	0,5	95,5	33,1	32,8	34,6	33,5	9,0
12	Назорат (ишлов берилмаган)	-	-	23,6	24,0	25,9	24,5	-

$НCP_{05} = 0,58$  ц/га

$Sx = 1,72$  %

**Изоҳ:** 1-11 вариантлардаги кимёвий препаратларни зараркундаларга қарши қўлланилганда сақлаб қолинган ҳосил, ц/га

Диссертациянинг «Кузги буғдой зараркундаларига қарши кураш тадбирларининг самарадорлиги» деб номланган олтинчи бобида буғдойнинг ихтисослашган зараркунанда турларига қарши кураш тадбирлари олиб борилгандаги хўжалик, иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш бўйича маълумотлар берилган.

Натижада кузги буғдой даласида ривожланаётган буғдой ширасига қарши биологаторияда кўпайтирилган олтинкўзни гектарига 500-2000 дона тарқатилганда ҳосил бўлган биологик самарадорлик ҳисобига гектаридан 3,5-18,0 центнер ҳосил ҳимоя қилиб қолиниб, рентабеллик даражаси 185% ташкил этиб ва биологик усулнинг иқтисодий самарадорлиги 1678,0 минг сўм, бўлганлиги исботланган.

Кузги буғдойнинг асосий ихтисослашган зараркундаларидан кимёвий усул ёрдамида ҳимоя қилиш учун қўлланилган кимёвий препаратларнинг мазкур биологик самарадорлиги натижасида гектаридан 9,0-14,7 центнер ҳосил ҳимоя қилинганлиги исботланмоқда. Тадбир учун зарур бўладиган препаратлар нархи, ишлов ўтказиш учун ва қўшимча ҳосилни йиғиштириб-ташишга сарфланган маблағлар қўшиб жамланганда 928 000 сўмни ташкил қилган.

Мазкур шароит ва тадқиқотлар олиб борилган йилларда кузги буғдой даласидан олинган доннинг нархи 1500 сўмни, ҳар гектардан етиштирилган ҳосилнинг харид нархи 6240,0 минг сўмни ташкил қилган тадбирнинг иқтисодий самарадорлиги кимёвий ишлов берилмаган назорат даласига таққосланганда гектаридан 526,5-1341,5 минг сўмни ташкил қилиб, ишлатилган 1 сўм 0,74-1,65 сўм ҳисобида қопланган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Қорақалпоғистон агробιοценозида экилаётган кузги буғдой навларини экишнинг мақбул муддатлари 10-сентябрдан 10-октябргача ҳисобланиб, кеч экилганда, тўла тупламасдан қишлоғга кириб, қишдаги совуқнинг -15,0-20,0 °С ва баҳордаги ҳаво ҳароратининг максимал даражасини 42,0 °С кўтарилиши, намликнинг 9-19% га камайиб кетиши ҳосилнинг шакилланишига салбий таъсир этадиган омиллардан ҳисобланади.

2. Кузги буғдой биотопидаги мавжуд микроклим натижасида ниҳоллар униб чиқиши билан далада кузги тунлам (*Agrotis segetum* Den. et Schiff), ундов тунлами (*Agrotis exclmationi* L.), ўрик-қамиш шираси (*Hyalopterus pruni* Geoffr), қандала (*Lygus pratensis* L.) ва ғалла поя бурғачаси (*Chaetocnema hortensis* Geoffr) пайдо бўлиб кеч кузгача ривожланиб, мақбул шароитда қишлоғга кетади.

3. Кузги буғдой даласида ҳаво ҳароратининг кўтарилиши интенсивлигига боғлиқ апрель ойи учинчи ўн кунлигида ҳашаротлар ривожланиши давом этиб кузда тўпланганлари сони камроқ бўлсада, вегетация даври охиригача ўсимликнинг ихтисослашган зараркунанда

турларидан буғдой трипси (*Haplothrips tritici* Kurd), буғдой шираси (*Schizaphis graminum* Rond), зарарли хасва (*Eurygaster integriceps* Put) асосий тур ҳисобида биоценознинг таркибига кириб, ривожланиш биоэкологияси ташқи муҳит омиллари асосида вужудга келади.

4. Буғдой трипси биоэкологиясига хос хусусиятлардан бири, урғочи зоти май ойида қўйган 24,9 дона тухумларидан 90-95% личинкалари чиқиб, 1 та ўсимликда 1,0-2,6 дона етук зоти бўлганда 8,8-10,9 дона тухумни битта ўсимликка қўйиши ва 17,4-28,9 дона личинкалари ривожланиши ҳисобга олинган бўлса, апрель охири, май ойида ривожланган зарарли хасванинг 60,2 дона тухумидан 46,1 дона личинкалар чиқиб, 34,5 дона етук зоти пайдо бўлиши ҳисобга олинди.

5. Кузги буғдойнинг асосий зараркунандалари ривожланиш динамикаси апрель ойининг учинчи ўн кунлигидан бошланиб, май ойининг охиригача буғдой трипси 165,2 донага, буғдой шираси 216,7 донага, зарарли хасва 35,6 донага ва энтомофаглардан олтинкўз 18,6 дона, хон қизи 8,1 дона, сирфид пашшаси 2,8 донага кўпайиб озуқа занжирини ҳосил қилади

6. Зараркунандалар келтирадиган зарар мезони катта ҳисобланиб, буғдой трипси бир туп ўсимликда 2,7 донадан 27,3 донагача кўпайганда бир туп ўсимликда 0,21 г ҳосилни (6,7 ц/га); буғдой шираси бир туп ўсимликда 9,6 дона ривожланганда, 0,40 г ҳосилни (10,1 ц/га); зарарли хасва сони 10 м<sup>2</sup> майдонда 1 донадан 10 донагача ривожланганда 1 м<sup>2</sup> даги бошоқлар сони 46,2 донага, бир бошоқдаги дон вазни 0,14 г га, 1000 дона доннинг вазни 11,1 гр. га (10,9 ц/га) камайиши исботланди.

7. Кузги буғдой даласида тарқалган энтомофаглардан олтинкўз ва хонқизи ихтисослашган зараркунандаларнинг асосий кушандаси ҳисобланиб, биологаторияда урчитиб кўпайтирилган олтинкўзнинг етук зотини гектарига 500-2000 донагача ва тухумини 500-3000 донагача тарқатилганда буғдой ширасини 63,3-70,3% нобуд этиб, гектаридан 13,7-18,0 центнер ҳосил сақланиб қолинади ва иқтисодий самарадорлик 1678,0 минг сўм/га ташкил қилади.

8. Кузги буғдойни асосий зараркунандалари ҳисобланган буғдой трипси, буғдой шираси ва зарарли хасвадан кимёвий ҳимоя қилиш учун 20% с.э.к. Багира – 0,1 л/га, 5% эм.к. Эсфен алфа – 0,3 л/га, 55% эм.к. Циперфос – 0,5 л/га, 10% эм.к. Киллер экстра – 0,1 л/га меъёрида қўлланилганда биологик самарадорлик 97,1-98,9% ташкил қилиб, гектаридан 9,0-14,7 центнер ҳосил сақлаб қолиниб, кимёвий кураш олиб борилмаган назорат майдонига нисбатан иқтисодий самарадорлик 526,5-1341,5 минг сўмни ташкил қилди. Бунда бир сўм эвазига олинган даромад 1,65 сўм, рентабеллик даражаси 74-165% ни ташкил этганлиги илмий жихатдан исботланди.

9. Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида экилаётган кузги буғдойдан юқори ҳосил олиш учун 10-октябргача уруғ

экилиб, тўла тупланиш фазасида қишлоғга киритиш ва далада пайдо бўлган зараркунандалар сони, тарқалган ареаллари қатъий назоратга олинишини таъминлаш билан бирга энтомофагларнинг табиий кўпайиши учун мақбул шароит яратилиб, (олтинкўз, хонқизи, сирфид пашшаси) апрель ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб гектарига биолобораторияда кўпайтирилган олтинкўз энтомофагини етук зотини гектарига 2000 донагача, тухумини эса 3000 донагача тарқатиш;

кузги буғдойга зарар келтирадиган зараркунандаларига (буғдой трипси, шира ва зарарли хасва) кимёвий қарши курашда препаратлардан Багира 20% с.э.к. -0,1 л/га, Эсфен алфа 5% эм.к. -0,3 л/га, Циперфос 55% эм.к. -0,5 л/га, Киллер экстра 10% эм.к. -0,1 л/га меъёрида гектарига 200-300 литр сув билан ишлов бериш, зарурат бўлганда гектарига 400 литр сув меъёрида карбамидли суспензияга қўшиб ишлатиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 05/30.10.2020. QX. 126.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕН PhD ПРИ АНДИЖАНСКОМ ИНСТИТУТЕ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИИ**

**БАЎЕТДИНОВ БАХТИЯР ОТЕБАЕВИЧ**

**РАЗРАБОТКА МЕР БОРЬБЫ С ДОМИНАНТНЫМИ ВИДАМИ  
ВРЕДИТЕЛЕЙ ПШЕНИЦЫ В АГРОБИОЦЕНОЗЕ  
КАРАКАЛПАКСТАНА**

**06.01.09 – Защита растений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**АНДИЖАН – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.4.PhD/Qx531

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Каракалпакском институте сельского хозяйства и агротехнологии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.andqhai.uz) и на информационно - образовательном портале "Ziyonet" по адресу (www.ziyonet/uz).

**Научный руководитель:** Торениязов Елмурат Шериниязович  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Юсупова Махпуза Нумановна  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Мейлиев Акмал Хушвақтович  
доктор философии сельскохозяйственных наук,  
старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** Научно-исследовательский институт риса

Защита диссертации доктора философии (PhD) состоится « 22 » 02 2022 года в 1900 часов на заседании Научного совета PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 при Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий. (Адресу: 170600, Андижанская область, Андижанский район, поселок Куйган яр, улица Олийгох, дом 1. АКХАИ. Тел.:(+99874) 373-10-54; факс.:(+99874) 373-13-63; e-mail: agai info@edu.uz, Административный корпус Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологии, 1 этаж, зал заседания).

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского института сельского хозяйства и агротехнологий (зарегистрирована № 16 ). Адрес: 170600, Андижанская область, Андижанский район, поселок Куйган яр, улица Олийгох, дом 1. АКХАИ. Тел.: (+99874) 373-10-54; факс: .:(+99874) 373-13-63; Информации ресурс центра.

Автореферат диссертации разослан « 10 » 02 2022 года  
(реестр протокола рассылки № 16 от 10.02.2022 года)



*[Signature]*  
**А.Исашов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёной степени,  
д.с.х.н., профессор.

*[Signature]*  
**С.О.Абдурахмонов**  
Учёный секретар научного совета  
по присуждению учёной степени,  
д.с.х.н., с.н.с.

*[Signature]*  
**К.С.Комилов**  
Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
учёной степени, к.с.х.н., доцент.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)).**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** За последние годы в более чем 100 странах мира на 200 млн. га высевается пшеница от которой получено 765,0 млн т. урожая зерна. На сегодняшний день 75% выращиваемой пшеницы используется в качестве продовольственных продуктов, 15% - для живодноводства и 10% - для посевного материала. Основными странами производителями пшеницы являются такие страны, как Австралия, Канада, Китай, Индия, Пакистан, Россия, Турция, Украина и США<sup>1</sup>. 80% мирового производства пшеницы приходится на эти страны. Для полного обеспечения населения всех стран продуктами пшеницы, необходимо разработать сорта и агротехнические мероприятия, подходящие для местных условий и обеспечить снабжение продуктами пшеницы, которые будут необходимы в связи с применением в оптимальные сроки дезинсекционных мероприятий в биотопе.

В настоящее время проводятся масштабные исследования, направленные на развитие отрасли зерновых культур, защиту урожая пшеницы, которая находится под угрозой гибели для полного удовлетворения потребностей населения в зерне и зерновых продуктах. Во многих странах с биотопами пшеницы внедрены методы, позволяющие сберечь 20-30% урожая за счет применения усовершенствованных мер борьбы с вредителями. Важным стратегическим мероприятием является проведение исследований по внедрению улучшенных методов борьбы с вредителями, поражающих пшеницу с учетом их распространения, биоэкологии их развития, нанесенного ущерба и воздействия факторов окружающей среды.

В Республике Узбекистан особое внимание уделяют мерам в области развития зерноводства. В результате за последние 10 лет урожайность пшеницы с гектара выросла с 30 до 55 %, а в 2017 году с 1329400 гектар произведено 8,377 млн тонн зерна, тогда как в 2020 году урожайность с 107,7569 тыс. гектар составила 6,408 млн тонн. Было установлено, что основным фактором снижения урожайности является высокая распространенность видов-вредителей и повреждения, развивающиеся в биотопе пшеницы, наряду с агротехническими мероприятиями<sup>2</sup>.

Для решения этой проблемы разработка научных основ применения комплексных мер борьбы с вредителями, широко распространенных на пшеничных полях, изучение их биоэкологии имеет большое практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан за № ПФ-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы»<sup>3</sup>, Постановления Кабинета Министров Республики

---

<sup>1</sup> <http://www.fao.org>

<sup>2</sup> <http://www.stat.uz>

<sup>3</sup> <https://lex.uz/pdfs/4567334>

Узбекистан за № 806 от 24 сентября 2019 г. «О дополнительных мерах по обеспечению высоких урожаев за счет постепенного внедрения кластерной системы выращивания зерновых культур.»<sup>4</sup>, Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан за № 378 от 15 июня 2020 г. «О мерах по организации своевременной и качественной уборки посевных зерновых на урожай 2020 года»<sup>5</sup> а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

